


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 12-Осией қарорига асосан



# ЖАҲОЛ ИҚТИСОДИ



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

17 январь, сешанба, 1995 йил  
Сотувда эркин нархда. № 12 (1014)

## ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПЛЕНУМИ

Шанба кuni Ўзбекистон Футбол федерациясининг Пленуми бўлиб ўтди. Республика Бош вазирининг, мамлакат Футбол федерациясининг президенти Абдулқошим Муталов «Ўзбекистон Республикаси Футбол федерациясининг 1994 йилги иш фаолияти якуллари ва 1995 йилги вазифалари тўғрисида» маъруза қилди.

Маърузада ўтган мавсум гойта муваффақиятли бўлиб, республикамиз футбол тармақининг янги босқичига кўтарилганлиги алоҳида таъкидланди. Миллий жамоамизнинг Марказий Осиё терма жамоалари ўртасидаги Тошкент Халқаро турнири, Голландиянинг икки профессионал клуби иштирокидagi Мустақиллик кубогига мусобақаси ҳамда Японияда ўтказилган 12-Осиё ўйинларининг голлиби бўлганлиги, мамлакат чемпиони «Нефтчи» жамоасининг МДХ чемпиоли турнирида «кумуш» медални қўлга киритганлиги давом этаётганлиги мамлакатимиз футболнинг тармақининг йўлидан бораётганлигидан далолатдир. Ёшлар терма жамоалари ўртасида Осиё ва жаҳон чемпионатларининг саралаш босқичини ўтовчи Марказий Осиё гуруҳи баҳслари ҳамда миллий терма жамоамиз иштирокидagi юқорида таъкидлаб ўтилган икки халқаро турнирнинг Тошкентда ўтказилиши, шунингдек Осиё чемпиоли бешлашувларининг дастлабки босқичи Фарона вилоятида ўтказилиши нафақат мамлакатимиз Футбол федерациясининг, балки республикамиз учун ҳам халқаро миқдосдаги йирик спорт мусобақаларини ташкил этиш борасида катта тажриба берди. Умуман, 1994 йилда футболимиз халқаро

нафақат ахборотларга суянмасдан, балки мушоҳадали, таҳлилий мақолаларни мунтазам бериб борган бир пайтда, «Туркистон», «Қишлоқ ҳақиқати» ва яна бошқа бир қанча нашрлар бу борада анча оқсаганлигини таъкидлади. Айниқса, телевидение футбол мусобақаларини ўз вақтида ва сифат жиҳатдан замон талаблари даражасида ёритмапти.

Пленумда маъруза юзасидан Қашқадарь вилояти ҳокимининг муовини Қ. Тўйчиев, МХСК футбол клуби президенти А. Туропов, Халқ таълими вазирининг Ж. Йўлдошев, «Нефтчи» жамоаси бош мураббийси Ю. Саркисян, «Навбахор» клуби президенти Х. Ҳошимов, Хоразм вилояти ҳокимининг муовини М. Жуманиёзов ва бошқалар музокарага чиқди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Давлат маслаҳатчиси Алишер Азизқужаев миллий терма жамоамизнинг 12-Осиё ўйинларидаги зафари, юртимиз спорт ҳаётида катта воқеа бўлганлигини таъкидлади ва у мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузига ўзига хос улуш қўшагани ҳамда унинг аҳамияти ҳақида гапирди.

УФФ президенти тақлифига биноан, Тошкент шаҳар ҳокими Қозим Тулаганов ва «Ўзавтосаноат» уюшмаси раиси Қудрат Парпиев Ўзбекистон Футбол федерациясининг вице-президентлари этиб сайландилар. Шунингдек, республика Футбол федерациясининг аъзоларининг янги таркиби сайланди.

Пленумда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С. Саидқосимов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тулаганов иштирок этди.

**Р. ЖУМАЕВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.



Самарқанд вилояти Иштихон туманида 1000 тонна ҳажмда махсулот сақланадиган савабзот омбори ишга тушди. Омборда 5 секцияли йирик музлаткич бўлиб, у қишлоқ хўжалик махсулотларини сақлашда асқомоқда. Ҳозирдак омборда 500 тонна микродора картошка, мева-сабзот сақланапти. Суратда: механик Ф. Каримов ва товаршунос А. Нодиров совутич механизмининг кўздан кечиришмоқда.

## Республика Вазирлар Маҳкамасида АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛАЙЛИК

Вазирлар Маҳкамасида эпидемияга қарши республика факултета комиссиясининг мажлиси бўлди. Комиссиянинг 1994 йилги иш якуллари кўриб чиқилди. Мажлисини Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков бошқарди.

Соғлиқни сақлаш вазирининг Ш. Каримов ўз маърузасида таъкидлаб ўтганидек, республикада эпидемиология вазирлиги назорат қилиб борилади, хавфли эпидемия касаллиқларига учраш ҳолати бирон марта ҳам рўйхатга олинмади. Шунга қарамай, деб таъкидланди мажлисда, 1995 йил ёзига қадар эпидемияга қарши хизматнинг пухта ва ишончлилигини янада оширадиган чораларни кўриш зарур.

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва «Ўзбектуризм» мустақкам ҳамкорликда қўшни давлатлардан юқумли касаллик келтирилиши имкониятини истисно қилиш йўлларини ишлаб чиқилди. Мажлис ишида Бош вазир ўринбосари С. Саидқосимов иштирок этди.

(ЎЗА).

### ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ОЛИМЛАРИНИНГ ЙИГИЛИШИ

Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг йиллик ҳисобот йиғилиши бўлди. Бўлим бошлиғи академик Собир Камолов бўлган қарашли илмий текшириш муассасаларининг ўтган йили бажарган ишлари ва талғаб вазифалари тўғрисида маъруза қилди.

Академиянинг Қорақалпоғистон бўлимида мавжуд 7 та илмий текшириш институтида 21 нафар фан доктори, 130 фан номзоди илмий текшириш ишларини олиб бормоқда. Ўтган йили 45 та амалий, 15 та шартнома асосидаги ишлар бажарилиди. 7 та монография ва ўнлаб салмоқли илмий мақолалар эълон қилинди. Қорақалпоғистонлик олимлар Орол денгизи билан боғлиқ экологик офатнинг олдини олиш юзасидан самарали иш олиб боришди.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси У. Аширбеков иштирок этди.

(ЎЗА).

## ЯНГИЛИКЛАР

Урганча вилоят тadbиркорларининг йиғилиши бўлди. Унда республика Президенти ҳузуридаги Иқтисодий ислоҳот, тadbиркорлик ва хорижий сармоялар буйича идоралараро кенгашининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида ўртага ташланган масалалар муҳокама қилинди.

Янги муассаса туман маданият уйлари фаолиятини такомиллаштириш ва турли қизиқарли тadbирлар уюштириш билан шуғулланади.

### Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси ва унинг халқаро алоқалар маркази — «Хамар» Ватан ҳимоятчилари кун шарафига кўргазма уюштирди.

Рассомлар уюшмасининг Тошкентдаги кўргазмалар залыда намоийш қилинаётган асарларнинг муаллифлари иккинчи жаҳон уруши фахрийларидир.

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Самарқанд шаҳар кўмитаси ва шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги ёшлар билан ишлаш бўйича кенгаш ўртасида шартнома имзоланди. Ўзaro ҳамкорликда Самарқанд шаҳар кўмитаси ва шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги ёшлар билан ишлаш бўйича кенгаш ўртасида шартнома имзоланди. Ўзaro ҳамкорликда Самарқанд шаҳар кўмитаси ва шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги ёшлар билан ишлаш бўйича кенгаш ўртасида шартнома имзоланди.

### Германияга расмий ташириф буюрган Греция мушоҳида вазири Герасимос Арсенис Болзон давлатларининг кўпмиллатли қўшнилардан иборат мудоффа ташкилотини тузиш ҳақида тақлиф қилди.

Унинг таъкидлашича, мазкур янги мудоффа ташкилоти Болзон ярим оролининг ҳафизлигини таъминлаш, минтақавий можароларни ҳал этиш учун хизмат қилади. Шунингдек, бу ташкилот асосан ГАРБий Европа давлатлари ва НАТО билан ҳамкорликда фаолият кўрсатади.



### Сурхон воҳасида қадимий ёдгорликларини ўрганиш буйича қазилма ишларини олиб бораётган ўзбек-француз археологлари бу ердан кўплаб ноёб буюмлар топишди.

СУРАТДА: экспедиция аъзолари Пьер Лерис ва Шокир Пидвев топилмаларни кўздан кечиришмоқда.

Жиззахда шаҳар ва туман давлат солиқ идоралари, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда бош ҳисобчилари иштирокидagi семинар кенгаш бўлди.

Анжуман қатнашчилари мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон республикасида соғлиқларнинг рағбатлантириш ва аҳамиятини кучайтиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар ва 1995 йилдаги вазифалар ҳақида фикрлашиб олдилар.

(ЎЗА).

## БИЗНЕС ОЛАМИДА — АЁЛЛАР

Тошкентда бўлиб ўтган республика семинари «Аёл ва тadbиркорлик» деб аталди. Уни республика Хотин-қизлар кўмитаси ва Ўзбекистон тadbиркор аёллар уюшмаси ташкил қилди. Уларнинг тақлифига биноан семинарда республика Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари, солиқ органлари, давлат ва тижорат банкларининг вакиллари иштирок этдилар.

Семинарда республикамизда иқтисодий ислохотни амалга оширишда аёлларнинг турли

ган ўрни ҳар томонлама муҳокама қилинди. Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларидан келган кичик ва ўрта бизнес вакиллари тadbиркорлик фаолиятида вужудга келётган аниқ муаммоларни муҳокама қилдилар. Семинарда тақлиф этилган мутахассислар уларнинг кредит, ҳуқуқий ҳимоя, солиқ тизимига доир саволларига жавоб бердилар. Семинар қатнашчилари бизнес билан шуғулланаётган аёлларга давлат тузилмалари тагин ҳам кўпроқ мадд берилиши зарурлигини таъкидладилар, чунки аёллар республикада бозор муносабатларининг шаклланишида фаол иштирок этишмоқда. Бугунги кунда биргина тadbиркор аёллар уюшмасида уч мингдан ортиқ ишбилармон аёл бор.

Бундай семинар республика миқдосида биринчи бор ўтказилган. Бундай учрашувларни ҳар икки-уч ойда бир марта мунтазам ўтказиш режалаштирилмоқда.

(ЎЗА).

## ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА БАҒИШЛАНДИ

Самарқандда бозор иқтисодидаги ўтиш шароитида тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш, уни янада ривожлантириш ҳамда хусусийлаштириш муаммоларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокими П. Абдураҳмонов очиб, вилоятда хусусийлаштиришнинг бориши, тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида эришилаётган ютуқлар ва мавжуд муаммолар тўғрисида гапирди. Йиғилишда республика Президентининг тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш, хусусий мулк эгалари, ишбилармонларга яратиб берилаётган қўлайликлар тўғрисида сўз борди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Давлат мулкни бошқариш ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитаси раиси В. Чжен нутқ сўзлади.

## ИШБИЛАРМОНЛИККА КЕНГ ЙЎЛ

Давлат мулкни бошқариш ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш вилоят бошқармасининг ташаббуси билан Андижонлик тadbиркорлар кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш иштирокчилари Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислам Каримовнинг хусусий тadbиркорликни ривожлантириш тўғрисидаги Фармонида, идоралараро кенгашнинг яқинда бўлиб ўтган мажлисида давлат бошлиғининг шу масала юзасидан сўзлаган нутқи асосида Андижон вилоятида тadbиркорликни жадал ривожлантириш учун нималар қилиш кераклигини муҳокама этдилар.

Кенгашда тadbиркорларни ўйлантираётган ва мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга, янги иқтисодий муносабатларни мустақкамлаш жараёнига ҳалақат бераётган масалалар ҳақида фикрлашиб олинди. Вужудга келётган муаммоларни ҳал этиш хусусида аниқ тақлифлар айтилди.

(ЎЗА).

## ЯНГИ ПАСПОРТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси паспортини топишириш маъноси бўлди. Унда сўзга чиққанлар ўтган уч йил давомида мустақкамлаш муносабатларининг мустақкамлаш борасида амалга оширилган тарихий ишлар ҳақида гапирдилар, юртимиз равнақи йўлида янада фаол яшаб меҳнат қилишга, янги паспортни кўз қорачигидек асрашга даъват этдилар.

(ЎЗА).

Хўжаариқ Фаргона вилоятининг энг чекка қишлоқларидан бири. Бу ерда 300 дан ортққ оила истиқомат қилади. Қишлоқнинг бир чеккаси Кувасой адириларга туташиб кетган. Ишлаб чиқариш корхоналаридан, айниқса коммуналчиқ иншоотларидан анча олоқда. Лекин қувончлиқ сиқуи, Яқкатут қишлоқ кенгашидаги ўндан ортққ қишлоқчалар ичида биринчи бўлиб айнан шу қишлоққа «зангори олов» олиб келинди.

— Халқимизда «Ариқ тўла сув, ташнаи-зорим болам» деган нақд бор. Худди шу нақдин илгари қишлоғимизга бемалол ишлатса бўлар эди, — дейди Хўжаариқ қишлоғилиқ оқсоқол Обидхон Қозиев. — Чунки олиқ Бухородан келган юқори босимли газ қувурлари шундоқ қишлоғимиз тепақилдан Андижон тарафларга, қўшни Қирғизистонга олиб ўтиб кетилган. Биз эса 20 йилдан бери ўтин қалаб, уйларимизни иситиб келидик. Мана энди ниқтимизга эришдик. Чилланнинг изгиринли қунларида хонадонида «зангори олов» энган аёлларни, ёш болаларнинг қувончини қўрсангиз эди. Отанинг дил изқорини ўша қуни ўз қишлоқларига «зангори олов» келган қумарикчиқ Аҳмадали ака Худойбердиев, найманлик Алиёв ота Аҳмедовлар ҳам қайта-қайта таъқиллашди.



УМИДБАХШ КУРТАКЛАР

### УМИДБАХШ КУРТАКЛАР

Тошлоқ туманида иқтисодий ислохотларга пухта пойдевор қўйилаётганлигидан дарак бермоқда

— Халқимизда «Ариқ тўла сув, ташнаи-зорим болам» деган нақд бор. Худди шу нақдин илгари қишлоғимизга бемалол ишлатса бўлар эди, — дейди Хўжаариқ қишлоғилиқ оқсоқол Обидхон Қозиев. — Чунки олиқ Бухородан келган юқори босимли газ қувурлари шундоқ қишлоғимиз тепақилдан Андижон тарафларга, қўшни Қирғизистонга олиб ўтиб кетилган. Биз эса 20 йилдан бери ўтин қалаб, уйларимизни иситиб келидик. Мана энди ниқтимизга эришдик. Чилланнинг изгиринли қунларида хонадонида «зангори олов» энган аёлларни, ёш болаларнинг қувончини қўрсангиз эди. Отанинг дил изқорини ўша қуни ўз қишлоқларига «зангори олов» келган қумарикчиқ Аҳмадали ака Худойбердиев, найманлик Алиёв ота Аҳмедовлар ҳам қайта-қайта таъқиллашди.

рилинини қўлайтиришга ҳам хизмат қилади. Кейинги йилларда туманда пахта тайёрлаш пилани учма-уч бақарилди. Бунинг боиси хўжалиқлардаги сизот сувлар ҳали куз бошланмасдан ер юзасига қалқиб чиқди. Шинил ҳосилга қираётган гўзалар билганича аччиқ бўлиб, бутун сизот қилиб қолди, ҳосили нобуд бўла бошлади. Биринчи навбатда ана шу муаммони ҳал қилиш керак. Ва ҳозир туманда заҳдан заъфарон бўлган ерларга қайтадан ҳаёт бағишлаш учун қизгин кураш бошланди. Энг муҳими, тумани қоқ иккита бўлиб оққидан Катта Фаргона канали остидан сизот сувларини олиб ўтиб кетадиган докер қазилиши керак, бу анча мураккаб бўлиб, бутун сизот каналда оққидан сувни маълум мудатга тўқатиб туриш керак бўлади. Водийнинг «қумлуш камари» туманининг қуйи қисмидаги хўжалиқларга оби-ҳаёт узатадиган манба бўлса, туманининг юқори маъсидидаги қир-адирлардан сизиб келадиган сизот сувларини тўқиб қолдиган дамбага ҳам айланган эди. Бундан 15 йил аввал канал остидан докер ўтқазилди. Лекин лойи-ҳачиларнинг пухта ишламаганлиги панд берди. Сизот сувларини тўлаб келадиган зовур чиғаноқ бўлиб қайрилиб, докерга 4 километр тес-

қилинди. Вилоят ҳокимининг қарори билан ҳаракатдаги гуруҳ тузилди. Вилоятдаги ўндан ортққ қурилиш ташқилотлари, трестлар мана шу зарбор участкага сафарбар этилди. Ҳар бири 80 метр келадиган 2 та докер жасоратли меҳнат туғайли 15 кунда қуриб битказилди. Дулан Ду-стматовларнинг вориси Мақсудали Нурматов кунига ўз экскаватори билан 400 кубометр ўрнига 900-1000 кубометрга етказиб иш бақарди. Бу ҳазилакам гап эмас. Агар Мақсудали ўйган тупроқлар машинага ортилса, ҳар қуни 200 та автомобилга оқ бўлади. Ақа-ўқа Саидкадар, Саидкир-ром, Нўмонжон Малалевларнинг номларини ҳам бутун тошлоқликлар фахр-ифтихор билан эслашмоқда.

Пахтазорлар ўрнида пайдо бўлган боққоқлар секин-эста чекинапти. 2 та 80 метри докердан эса ернинг «жонини ола» бошлаган ям-яшил заҳарли зах сувлар водийнинг ўртасига, Сарикўш ташламасига оқиб турибди.

Фақат шугина эмас. Мелиоратив ишларни амалга ошириш режасига кура 63 километр хўжалиқлари, 120 километргаги хўжалиқ ҳисобидаги ички зовурлар тозаланди. 11 километр янги зовурлар қазилди. 2 ой ичида 674 минг кубометр тупроқ ишлари ушталанди. Энди нафақат тошлоқ-

ликлар, балки қўшни қувалиқ дехқонлар ҳам бемалол иқкинчи умр бағишланган ерларда дехқончилик қилишлари мумкин. Чунки бу муҳим тадбир нафақат Тошлоқ туманидаги «Яқкатут», «Заркент», «Навбахор», «Фаргона» жамоа хўжалиқлари, балки Кува туманининг Навой, «Ҳақиқат», «Дехқонobod» жамоа хўжалиқларига қарашли ерларнинг ҳам умрига умр қўшилди. 30 та экскаватор 2 сменада басма-басита ишланганлиги учун ҳам 6 минг тек-

рагга яқин ернинг ҳолати яхшиланди. Мутахассислар эса аниқ маълумотларга таяниб, 1,5 минг гектар ер боққоқлик исқанжасидан тортиб олинди, дейишмоқда.

Юртбошимиз Фарғонада бўлганича иқтисодий ислохотни «бу мумкин ўз эгасига топшириш» деб таърифлаган эди. Тошлоқда ҳам бу борда катта ишлар амалга оширилди. Маиллий хизмат кўрсатишга дахлдор 81 та турли хил мулк, 111 савло дўқони, умумий овқатланиш корхоналари, ноинвойналар хусусийлаштириб берилди. Энди бошқа тармоқларда ҳам бў муҳим ишга дахил қалам қўйилляпти. Яқинда иккита дельшерлик акушерлик пункти, 9 та дорихона жамоа мулкига айлантирилди. Текуччилик фабрикаси, маҳаллий саноат ҳисдорлик жамияти, ном комбинати, 75-6-автокорхоналар, 2 та қурилиш ташқилоти давлат тасарруфидан чиқарилиб, жамоа мулкига синафатда фаолият кўрсатаяпти. Бундай корхона ва ташқилотлар туман бўйича 200 дан ошиб кетди.

«Навбахор» жамоа хўжалигини нафақат туманда, вилоятда ҳам ярим ҳазил, ярим чин қилиб «тажриба ўтқазиб майдончаси» деб аташади. Ҳақиқатан ҳам «Навбахор» ширкатлар ушумасини иқтисодий ислохотларни ўзига хос йўсинда амалга оши-

раётган алоҳида минтақа деб тушуниш мумкин. Уошма ҳудудида 20 дан ортққ кичик корхона, фирма ишлаб турибди. Икки йил ичида бу корхоналарга жамоа хўжалиги минтақасида истиқомат қилаётган 300 дан ортққ киши жалб қилинди. Ҳозирга келиб жамоа хўжалигида бетон қорималари заводи, консерва цехи, асфальт заводи, маҳаллий саноат моллари ишлаб чиқариш корхонаси, текуччилик ва киши тайёрлаш каби корхоналар ишлаб турибди. Утган йили улар хўжалиқ хазинасига 600 минг сўмдан ортққ соф фойда келтирди.

Хўжаликка чорак асрдан бери тadbirkor раҳбар, англик деса ўзини ўққа ҳам чўққа ҳам урадиган Нейматов Умаров етакчилик қилади. У кишининг савийи-ҳаракати билан ўтган йили хўжаликда пахтани қайта ишлаш корхонаси ташқил қилинди. 1994 йили тайёрланган 2695 тонна пахтаннинг ҳаммаси шу хўжаликка қарашли корхонага қабул қилинди. Энди бу хўжалик давлатга фақат тола сотади. Шу билан бирга ип йиғирини корхонаси қурилиши ҳам бошлаб юборилди.

Хўжаликда аҳолини иқтисодий хизмоя қилишга алоҳида эътибор берилди. Шу мақсадда 1 миллион 600 минг сўм сарфланди.

Хўжалик галла этиштиришдаги муваффақиятлари туғайли вилоятнинг таъинч хўжалигига айлантирилган. Яқинда бу ерда республика галлачилик илмий-тадқиқот институтининг таъинч пункти ҳам иш бошлади. Буларнинг ҳаммаси бежиз эмас. Чунки ўтган йили вилоятдаги 150 дан ортққ хўжалик орасида энг юқори натижага эришди. 276 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан дон олинди.

Бу йил хўжаликда галла майдонлари 88 гектарга қўнайитрилиб, 364 гектарга етказилди. Ниқат ҳар гектар майдондан 45 центнерга етказиб ҳосил олинди.

Хўжаликда чорвачилик ҳам тобора ривожланыпти. Туманда ягона шу хўжалиқ сўт тайёрлаш йиллик пиланини ошириб бақарилгани қолмай аввалги йилга нисбатан, ҳам 2,3 фойз ўсишга эришди. Ҳар беш ситирдан соғиб олинаётган сўт микдори эса 3429 килограммга етди.

Бу йил Тошлоқнинг 60 йиллик нишонланали. Тумандаги барча хўжалиқлар, саноат корхоналарида ана шу муҳим санаи ишлаб чиқаришда яхши кўрсаткичларга эришиш билан қутиб олиш учун йил бошланда далад ҳаракатлар бошлаб юборилди.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

## ЛИЦЕНЗИЯ ВА БОЖЛАРДАН ХАЛОС ЭТАДИГАН ЯРМАРКА ЧОРЛАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасининг тегишли қарорига асосан, «Узултуржибиржасавло» уошмаси қошида доимий фаолият кўрсатувчи ярмарка ташқил этилганлиги. Унинг асосий мақсиди корхоналар, ташқилотлар, тижорат фирмаларининг ўз ихтиёрида қолдирилган махсулотларни сотиш ҳамда бозорларимизни хомашё, халқ истеъмол моллари билан тўлдириш бўйича хизмат кўрсатишидир.

Бундай ярмарка бозор иқтисодиётини чуқурлаштириш борасида ўзига хос янги йўналиш бўлиб, унинг маъмурияти томонидан корхоналар ва ташқилотларда мавжуд сотиладиган ва истеъмол учун керак бўлган товарларга оид маълумотлар мунтазам равишда тўлаб борилади. Шулардан жамлама ҳужжатлар тайёрлаб, улар асосида иш юритилади.

Бу ярмаркада харид қилинган товарларни республикадан ташқарига жўнатиш лицензияси ва божхона божлари тўловисиз амалга оширилади. Бундан ташқари, унинг қатнашчиларига маркетинг, реклама ахборот ва юнклари жўнатиш бўйича транспорт хизмати ҳам кўрсатилади.

Утган йили жами 561 та шартнома тузилди. Бугунги кунда ярмарка Ҳамдўстлик мамлакатлари ишбилармонлари ва ҳатто Хитой, Покистон, Ўзбекистон, Корея, Япония каби чет давлатлар фирмалари билан ҳамкорлик қилмоқда. Вазирлар Мақамасининг 1994 йил 31 октябрдаги қарорига асосан, бултур 19 ноябрдан 29 декабргача Доимий фаолият кўрсатувчи ярмарка негизиде 6 турдаги товарлар гуруҳи: тўқимачилик, маданий-маиший товарлар, спорт буюмлари, кундалиқ турмушда ишлатиладиган моллар, атторлик-парлоз анжонлари, бинокорлик ашёлари, ишга яроқли ва ноқондицион чиқатлар, пойабзал, мебель, кийим-кечак, озиқ-овқат махсулотлари бўйича ихтисослашган ярмаркалар ўтказилди. Уларда республикамиз ҳудудидаги 485 та корхона, ташқилот ва тижорат фирмаси, шунингдек, Австриянинг «Краус» ва Туркиянинг «Юксель» фирмалари ўз махсулотларини сотиш юзасидан 1995 йил учун шартномалар тузилди. Харидорлар сифатида эса 2290 та корхона, ташқилот, тижорат фирмаси вакиллари қатнашди. Унда жами 13485 та 50 миллиард сўмдан ортққ ҳажмада шартномалар имзоланди.

Лекин шунга айтиб ўтиш жоизки, кўпчилик тижорат фирмалари ва хусусий корхоналар ўз эҳтиёжлари учун тўлиғича шартномалар тоза олмадилар. Бунга махсулот етказиб берувчи корхоналар ва ташқилотларда хомашёнинг етишмаслиги сабаб бўлди.

Келгусида бундай камчиликларга йўл қўймаслик мақсидида Ярмарка дирекцияси томонидан 1995 йилда бир қанча тadbirkor ўтқазиб режалаштирилмоқда. Хусусан, Ҳамдўстлик давлатлари корхоналари ва ташқилотлари ҳамда чет эл фирмалари иштирокида ярмаркалар уюштирилади. Хорижий мамлакатларда ташқил этиладиган шундай ярмаркаларга эса тadbirkorларимиз ҳам иштирок этишадилар. Бу борда Президентимизнинг 1995 йил 5 январдаги тарихий Фармони муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ўйлаймизки, ушбу тadbirkor натижасида республикамиз корхоналари ташқилотлари ва тижорат фирмалари жаҳон бозорларига ўз товарлари билан чиқиб йимкониётига эга бўладилар. Пировардида бозорларимиз янги товарлар, саноатимиз эса замонавий технологиялар билан бойишига умидворимиз.

Илхом ШАЙХОВ, Доимий фаолият кўрсатувчи дирекциясининг директори.

### «Халқ сўзи» бонг уради

— Орқақа қайтиш йўқ, — дейди «қайсар» фермер Тошмурод Абдужалилов. Бирлашма бош директори Бақодир Хўжақуловнинг эса ундан қоллишиши йўқ. Шундай катта корхона бошлиғи бўлгатуриб, аллақандай фермерга ён босармиди.

Аслида ушбу «тортишув» ҳақида «Халқ сўзи» бундан роса бир ярим йил аввал «Президент Фармонлари қандай бақарилляпти?» руқини остида Қуйичирчиқ туманидаги Гул қишлоғилиқ фермерга тўраларча муносабат ҳусусида танқидий мақола чоп этганди. Мавзу ниҳоятда долзарб бўлишига қарамай, на туман, на вилоят раҳбарлари, на Республика балиқ ишлаб чиқариш концерни мутасаддилари тегишли хулоса чиқармадилар. Тошмурод ака эса ҳамон сарсану саргардон.

Келинг, яхисиси аввал чоп этилган мақоланинг қисқача мазмуни билан танишиб чиқайлик.

«Хуллас, Қуйичирчиқ туманидаги «Балиқчи» ишлаб чиқариш бирлашмасида бир неча йиллардан бери оидий балиқчи бўлиб ишлаб келган Т. Абдужалилов янгиликка ҳавас қилиб, оилавий фермер хўжалиги тузишга киришди. Уйидагилар билан фикри бир жойдан чиққан, бирлашма бош директори Миржалол Мирзаахмедовга учралиди. Жамоа раҳбари унинг ташаббусини маъқуллашди ва 1992 йилнинг 21 февралда «Ниҳол» фермер хўжалиги ташқил этиш ҳақида буйруқ чиқаради. Ўз навбатида туман ҳокимлиги ҳам фермер хўжалиги ҳужжатлари билан танишиб чиқиб, 1 апрелда унинг Ниҳол қонуний қилиш ҳусусида қарор қабул қилади. Тегишли идораларга бошқа зарур ҳужжатларни тайёрлаш, банкда шахсий ҳисоб рақамини очишга қўмақлашиш ҳақида топшириқ берилади. Раҳбарларнинг қўллаб-қувватлашидан руҳланган Тошмурод ака бола-чақаси билан бел боғлаб ишга киришади. Бирок банкдан ҳисоб рақами очиб, муҳр тайёрлаш каби ишлар бир умр даладан боши чиқмаган деҳқоннинг кўп вақтини ўғирлайди. Ҳали у, ҳали бу илорага югур-югурлар учун ҳафталаб вақтини зоекетказди. Бу орда бирлаш-

ма директори оламдан ўтиб, ўрнига бошқа раҳбар тайинланади. Узоқ йиллар Тошмурод ака билан бирга ишлаган янги бош директор Бақодир Хўжақулов тетаповай фермер хўжалиги бошлиғига «янгидан шартнома тузасиз, аввалгиси бўлмайди», деб айтиди. Ўзи шундай ҳам қозғозбозликдан зада бўлган фермер бошқатдан ҳужжат тайёрлашга киришади. Бир

қисмини тайёрлаб ултурганида эса бирлашма раҳбари «Ниҳол»ни тутатиш ҳақида буйруқ чиқаради. Шу тариқа икки ўртада тортишув бошланади. Ва у ҳамон давом этиб келаяпти.

Энди Тошмурод ака редакцияга қўтариб келган ҳужжатларга муружаат этайлик. Мана, бирлашма бош директорининг 1993 йил 17 апрелда Т. Абдужалиловга йўллаган хати. Унда шундай дейилган (у рус тилида ёзилган бўлиб, биз тўғридан тўғри таржимасини эътиборингизга ҳавола этамиз): «Ниҳол» оилавий фермер хўжалиги қонуний ташқил этилмаганлиги, балки уни кичик корхоналар ташқил этиш ва рўйхатга олиш ҳақидаги мавжуд қонунга тиб равишда ўзингиз таъин олганингиз сабабли бирлашманинг 1993 йил 17 февралдаги 34-буйруғига асосан бекор қилинган».

Ана ҳоло! Агар «Ниҳол» қонуний ташқил этилмаган бўлса, туман ҳокими хўжалик Низомини қайси ҳужжатлар асосида рўйхатга олган? Фермер қўлидаги муҳр ҳам тегишли идоралар руқсати билан олинган бўлса керак? Бундан чиқди қишлоқ кенгашининг турили идоралар (ИИБ, банк ва ҳ. к.) да фермер хўжалиги мавжудлиги тўғрисида берган далолатномалари ҳам сохта эканда?

Фермер шу саволлар билан турили идораларга муружаат эта бошлади. Иш охири судга бориб етади. Туман халқ суди раиси А. Давенов раислигида қуриб чи-

қилиб, бирлашма фойдасига ҳал этилади. Т. Абдужалилов ҳукмдан норози бўлиб, Тошкент вилоят судига ариза берилади. Вилоят суди унинг аризасини қўриб чиқиб, ҳукмини бекор қилади ва қайта қўриш учун ана туман судига йўллади. Бу сафар иш халқ судыица Абдураҳмонов раислигида қўрилади ва ана бирлашма фойдасига қарор чиқарилади.

Биз юқорида бирлашма раҳбариятини расмиётчи-

ийил муддатта), тегишли техника, минерал ва маҳаллий ўғитлар, уруғлик билан таъминлангани бўлишига олинган. Афсуски, бу шартларнинг бирортаси бақарилмаган. Ушбу ҳолатда фермер муассисни судга берса юз фойз ҳақ бўлиши мумкин эди.

Бирлашмадагилар фермернинг тегишли ҳужжатларни ўз вақтида расмиёлаштирмаганлигида айбонлашяпти. Тўғри, ҳужжат расо бўлиши керак. Лекин фермернинг ҳам аҳолини тушуниш лозим. Ўзига қолса бир ҳужжат ортидан оилаб идорама-идора югуриниши ким хоҳлайди, дейсиз. Бундан ташқари катта бир бирлашма бош директорининг буйруғи, туман ҳокимлигининг қарори кичик қисмига фермер хўжалиги фаолиятини нахотки қонуний кучга кирита олмасе. Тошмурод ака бир умр дехқончилик билан шуғулланиб келган. Биринчи марта хусусий иш юритаяпти. Бирлашмадаги, қолаверса ҳокимиятдаги масъул ходимлар унга тўғри йўл кўрсатиб, ҳужжатларини қонунга мувофиқ тайёрлашда қўмақ берсалар асақалари кетмасди. Ҳар ҳолда улар шу ишларга масъул ҳисобланадилар.

Хуллас, фақат фермерликни ҳавас қилган Тошмурод ақанинг ўзиндан айб қилар-верийш адолатдан эмас. Шу боис Тошкент вилоят халқ суди туман судининг бу галги ҳукмини ҳам бекор қилди.

Халқимиз, айниқса, дехқонларимизнинг ҳуқуқимиз олиб бораётган янгила ислохотлардан умиди баланд. Шу боис унда фаол ишлар қўришга иштиёқ билан киришяптилар. Шундай экан уларга тўраларча муносабат бўлмай, ёрдам қилини нўзиш маъқул эмасми? Зеро юртбошимиз алоҳида таъқиллаганидек фермерлар аграр ислохот тизимининг биринчи қалдирғочлари, уларнинг қанотини синдирмайлик.

Ўйлаймизки, пойтахт вилоти ҳокимлиги газетанинг бу галги чиқинишига ўз вақтида муносабат билдиради ва Тошмурод Абдужалиловнинг югур-югурларига ниҳоят чек қўйилади.

Темур АБДУРАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЯНГИ КОДЕКСЛАРИ НАШРДАН ЧИҚДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномасининг 1995 йил 1-сонинда нашрдан чиқди. Унда Ўзбекистон Республикасининг Янгиот кодекси эълон қилинган. Ахборотноманинг Ўзбекистон Республикасининг Янгиот-процессуал кодекси ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси босилаётган иқкинчи ва учинчи сонлари ҳам тез қунларда муштарийлар қўлига тегади.

Ахборотномаларни «Ўзбекистон почтаси» киоскларидан эркин сотиб олиш мумкин.



Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳридаги Машинасозлик заводи бугунги кунда Бекобод металлургия заводидан буюртма қабул қилиб олмақда. Шунингдек корхона Россиянинг Тюмень заводи билан ҳамкорликда кичик тракторлар, ўзирар арвалар ва бошқа қишлоқ хўжалиги техникалари учун мўлжалланган жиҳозлар ишлаб чиқариши йўлга қўйди.

СУРАТДА: смена бошлиғи Абдусатор Ҳайдаров, токар Валерий Сурков, корхона директорининг ўринбосари Бақодир Абдусаломов ва йиғувчи Обид Мансуровлар эндиғина конвейердан чиққан махсулот сифатини қўздан кечирмоқда.

Б. ТўРАЕВ олган сурат.

• Андижон янгиликлари  
БРИГАДИРЛАРГА ВЕЛОСИПЕД  
Избосган тумани ҳокимлиги ўтган қишлоқ хўжалик йилида энг юқори кўрсаткичга эришган пахтакор, чорваларларга қимматбаҳо совғалар топширди.

Тумандаги барча бригада етакчиларига эса велосипед тақдим қилинди. Туман ҳокими Сайдило Бегалиев фикрларга кўра ёқилги тақчил шароитда велосипед бригадирлар учун энг мақбул совғалар.

«ГАЗМОЛ-АНД» ХАЙРИЯ УЛАШАДИ  
Андижон шаҳрининг «Маориф» маҳалласи ҳудудида «Хумо» савло, маиший хизмат кўрсатиш маркази ишга

### Бизга ёзадилар ҚАЛБИМГА НУР ОЛИБ КИРДИ

ҚАРИЙБ эллик йил хўжаликда меҳнат қилдим: оидий колхозчи, бригадир, бўлим бошқарувчиси, ферма мудури вазиқаларида. Айни пайтда кексалик нафақасидан. Ҳеч нарсадан камчилигим йўқ. Фарзандларим турли соҳаларда меҳнат қилишади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тadbirkorликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони меннинг кўнглимга чироқ ёқди, қалбимга нур олиб кирди деса, муболага бўлмайди. Чунки, эллик йил ишлаб, уйда қўл қовуштириб ўтириш мени зериктирди. Майли, кекса қарши керак, ёшлар меҳнат қилиши лозим. Аммо, менда мол боқиб, ерда ишлаш учун куч-қувват етарли. Ана шу қувватим фойдаланишга сарф бўлсин, боғ яратай, мол боқиб, махсулот етиштирай, деган ниқтларим бор. Кўнглимдаги ана шу озуларим юртбошимизнинг Фармони туғайли рўбига чиқинишга имоним қомил.

Бу ҳужжатда белгилаб қўйилган имтиёзлар ҳам тadbirkorларга, фермерларга, дехқон хўжалиқлари соҳибларига талай қўлайликлар берилади. Дехқон далақсида, фермер молхонасида ишлаб, қанча кўп махсулот етиштиришга, бозорнинг арзонлашишига, дастурхонимиз тўқинлигига ҳисса бўлиб қўшилади.

Шунингдек «Хумо» расталаридан жой олган «Газмол-Анд» ҳисдорлик жамиятлари ишбилармонлари савло дўқони қошида хайрига жамғармаси ташқил этидилар. Саҳоватпеша кишилар ночор, шароити оғир кишиларга ёрдам беришни итасалар, махсус қўтига маблағ ташлайдилар.

Оччи ЮСУПОВ, Косон туманидаги «Гулбо» жамоа-пиркат хўжалигининг Оқтепа қишлоғи.

Ф. ШОДМОНЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Футбол

МАСЪУЛИЯТЛИ  
ЎЙИНЛАР ОЛДИДАН

Республикамизнинг уч карра чемпиони, Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси янги мавсумга тайёргарликни бошқа жамоаларга нисбатан анча олдин бошлаб юборди.

Жамоа янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ Қирғулидаги «Нефтчи» спорт клубининг ўйинида дастлабки машқларни бошлади. Мавсум олди машқларига анча эрта киришганлигининг боиси бор. Жамоа шу оғир охирида Таиландда ўтказиладиган Осиё мамлакатлари чемпионлари кубогининг финал беллашувларида

нафақат республикамиз, балки Марказий Осиё мамлакатлари шарафини ҳимоя қилади. Бу турнирда Жанубий Корея, Таиланд, Катар ҳамда Ўзбекистон чемпионлари ўзаро куч синашади. Маълумки, шу оғир охирида Москва шаҳрида МДХ чемпионларининг аънавий 3-турнири ўтказилади. Бу турнирда «Нефтчи» Ўзбекистон

шарафини ҳимоя қилиши керак эди. Лекин чемпион Осиё чемпионлари кубогида қатнашишга қарор қилди.

— Жамоамиз 19 январь кунини Малайзияга ўртоқлик учрашувлари ўтказгани жўнаб кетади, — дейди жамоа бош мураббийси Юрий Саркисян. — У ерда 2 та ўртоқлик учрашуви ўтказамиз. Кейин эса Таиланд пойтахти Бангкокка йўл оламиз. Жамоада ўзгаришлар йўқ. Ўтган йили жамоа таркиби деярли тўласича сақлаб қолин-



ган. Чунки Осиёдаги бу нуфузли турнирда қатнашишга жамоанинг ҳар бир ўйинчиси астойдил тер тўқди. Ўйлайманки, йигитларимиз бу сафар ҳам ўзбекистонлик футбол мухлисларини қувонтирадилар.

С. НАБИЖОНОВ,  
«Халқ сўзи»нинг  
ўз мухбири.

28 январда Москвада футбол бўйича МДХ мамлакатлари чемпионлари кубоги мусобақалари бошланади. Унда Ўзбекистон биринчилиги ғолиби — «Нефтчи» футболчилари иштирок этиши керак эди. Лекин фарғоналиклар январь ойи охирида Осиё чемпионлари кубогининг ярим финалида ўйнаш учун Таиландга жўнаб кетдилар. Шунинг учун Москва турнирида Ўзбекистон чемпионатининг кумуш медали соҳиби «Нурафшон» (Бухоро) жамоаси қатнашади.

«НУРАФШОН»  
ЧЕМПИОНЛАРГА ҚАРШИ  
МАЙДОНГА ЧИҚАДИ

Албатта, бухороликларга Москва турнирида осон бўлмади, ҳар қалай рақиблар анча кучли. «Нурафшон» 29 январда «Флора», (Эстония), 30 январда «Шахтёр» (Украина), 31 январда «Ширак» (Арманистон) жамоаларига қарши майдонга чиқади.

«Нурафшон» 5 январдан ўйинларга тайёргарликни бошлаб юборди. Жамоада нималарга қодирлигини кўрсатиш учун имконият пайдо бўлди. Энди бундан қандай фойдаланиш уларнинг ўзига боғлиқ.

Манвон ОТАБОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

12-ОСИЁ ЎЙИНЛАРИДА КИМ  
ҚАНЧА МЕДАЛЬ ОЛДИ?

Хурматли тахририят!

12-Осиё ўйинларида юртимиз спортчиларининг қўлга киритган зафарлари ҳақида жуда кўп ёзилди. Бироқ, қатъа миқёсдаги бу йirik мусобақада бошқа мамлакатлар, жумладан Маказий Осиё мамлакатлари спортчилари қандай натижаларга эришгани ҳақида кам маълумотлар берилди. Иложи бўлса ҳар бир мамлакатнинг қанча медаль олгани ҳақида маълумот беришингизни сўраймиз.

Р. ХУЖАНИЁЗОВ, А. МУТАЛИБОВ,  
Тошкент шаҳри.

Ҳар галгидек бу сафар ҳам Хитой спортчилари Осиё олимпиадасида юқори натижа кўрсатди. Хитойликлар 137 олтин, 92 кумуш ва 60 бронза медални қўлга киритишиб,

умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди. Бироқ... кейинчалик 12-Осиё ўйинларида қатор Хитой спортчилари майдонга кимёвий қувватлори (допинг) қабул қи-

либ чиқишгани аниқланди. Натижада мусобақа ташкилий қўмитаси ва допинг назорати ташкилоти қоидабузарлар томонидан қўлга киритилган Осиё ўйинларининг медалларини (12 та) қайтариб олишга қарор қилди. Бу медаллар қоидабузарлардан кейинги ўринларни эгаллаган жамоа ёки спортчиларга берилди. Жумладан бизнинг спортчиларимизнинг ҳам 12-Осиё ўйинларидан олган медаллари сони кўпайиши мумкин.

Бундай имконият сузувчиларимиз Александр Агафонов, Олег Пухнатий, Альберт Галютдинов, Вячеслав Кабанова бор. Чунки 4 x 400 метрга сузиш бўйича совриндор бўлган тўрт нафар хитойлик сузувчининг допинг қабул қилиб мусобақада қатнашгани аниқланди. Бизнинг сузувчилар айнан шу масофа бўйича 12-Осиё ўйинларида туринчи ўринни эгаллашган эди.

Қолган жамоалар натижаларига кўра қуйидаги тартибда жойлашишди:


	Олтин	Кумуш	Бронза
2. Жанубий Корея	63	53	63
3. Япония	59	68	80
4. Қозоғистон	25	26	26
5. Ўзбекистон	10	11	19
6. Эрон	9	9	8
7. Тайван	7	12	24
8. Ҳиндистон	4	3	15
9. Малайзия	4	2	13
10. Катар	4	1	5
11. Индонезия	3	12	11
12. Сурия	3	3	1
13. Филиппин	3	2	8
14. Кувайт	3	1	5
15. Таиланд	1	11	13
16. Саудия Арабистони	1	3	5
17. Туркменистон	1	3	3
18. Мўғилистон	1	2	6
23. Қирғизистон	—	4	5
32. Тожикистон	—	—	2

АГАР ЖУРНАЛИСТИКАГА  
ҚИЗИҚСАНГИЗ

«Халқ сўзи» қошида Журналистлар мактаби ташкил этилмоқда. Ушбу мактабга пойтахтимизда таҳсил олаётган, журналистик касбига қизиқувчи студентлар, ишчи-ёшлар қабул қилинади.

Машгулотларни газетанинг ва республикамиз оммавий-ахборот воситаларининг етакчи журналистлари олиб боришади. Хужжатлар 1 февралга қадар тахририятнинг «Хатлар ва оммавий ишлар бўлими»да қабул қилинади.

Машгулотлар 15 февралдан бошланади. Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси-19 уй. Телефон: 33-07-48.



Тилофар Алимова Тошкент шаҳри Собир Раҳимов туманидаги 9-поликленикада врач-терапевт бўлиб ишлабди. 20 йиллик меҳнат фалонити давомида кеча-юкча беморларнинг дардига широк бўлган бу айб бугун ҳам эл хизматига. Тилофар оланинг чекраси ҳам, кўнгли ҳам, кўли ҳам очик. У малҳам излаб келган беморни илк учрашувдаёқ бир умрлик қадрдондек кутиб олади, маслаҳатини, ёрданини ҳеч кимдан аямайди. СУРАТДА: Т. Алимова.

Ш. ЗУФАРОВ олган сурат.

«ЧАЧ ЛИМИТЕД» ФИРМАСИ

Тошкентдаги омборидан қуйидаги маҳсулотларни пул ўтказиш йўли билан сотади:

- 1022 М саноат тикув машиналари
- «РУНО» мўйнадоўлик машиналари
- «Р-12» бичув машинаси
- «МБК-1» оверлоги
- 280 мг. чет эл шампуни
- Белорусда тикилган пальто
- 386-DX компьютери
- аёллар наҳмоқ халати

Бизнинг телефонлар: 77-84-83, 77-67-88.

«КВАРЦ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ БАРЧА  
ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА ШАРТНОМА АСОСИДА  
ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА ШИША БАНКАЛАРИ  
ВА БУТИЛКАЛАРИ ОЛДИНДАН ПУЛ ТўЛАШ  
ЙўЛИ БИЛАН ВА БАРТЕР АСОСИДА СОТАДИ.

Манзилимиз:  
713830, ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ, ҚУВАСОЙ ШАҲРИ,  
МУСТАҚИЛЛИК Кўчаси, 2А.  
ТЕЛЕФОН: 3-21-73, 3-27-64.  
ТЕЛЕФАКС 3-38-23  
ТЕЛЕТАЙП 166718 «СТЕКЛО».

«ВЛАД»

АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ  
(Москва шаҳри)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА РОССИЯГА  
КОРРЕСПОНДЕНТЛИК ТАРМОҚЛАРИ ОРҚАЛИ  
МАҚБУЛ КУРС ВА МУМКИН ҚАДАР ҚИСҚА  
МУДДАТЛАРДА ТўЛОВАРНИ АМАЛГА  
ОШИРИШНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

Маълумот учун телефонлар:  
Москвада (095) 217-65-34, 217-65-49  
Тошкентда (3712) 41-38-61, 41-02-41 (кўшимча 3-44)

«ЎЗАВТОТРАНС» давлат ҳиссадорлик корпорацияси ва «ЎЗАВТОСОЗЛАШ» ҳиссадорлик ишлаб чиқариш уюшмаси шу йилнинг 19-20 январь кунлари ўтказадиган махсус савдо ярмаркасига ташриф буюрсангиз «МАЗ» автомобиллари туркумининг энг сўнгги моделларини, МТЗ-80 тракторлари, ГАЗ-52 автомобилларининг тўла таъмирланган двигателлари, ЯМЗ-238 дизел моторлари ҳаракат узатиш муратлари (коробка передача) билан шунингдек, ГАЗ-24, ЗИЛ-130, ГАЗ-53, ГАЗ-51, КАМАЗ, ЯМЗ-236/238, МАЗ-500, КРАЗ-214 автомобиллари ҳамда «ИКАРУС» автобусларининг эҳтиёт қисмларини харид қилиш имконига эга бўласиз.

Тағин Сиз ушбу ярмаркадан ЗИЛ-138-А, ГАЗ-53-07, ММЗ-4502 автомобиллари, ЛАЗ-695, ПАЗ-672 автобуслари учун газ балонлари монтажи учун деталлар, автомобил корхоналари ва устаконалар учун турли гаражлар ва ностандарт жиҳозлар, махсус станоклар, стендлар, верстакалар, тискилар ҳам сотиб олишингиз мумкин.

Бундан ташқари, ярмаркада металл шкафлар, сейфлар, бетон қоришгичлар ҳам сотилади.

Ярмаркада сиз ўз автомобилларингизга эҳтиёт қисмлар тайёрлатиш учун «ЎЗАВТОСОЗЛАШ» ҳиссадорлик ишлаб чиқариш уюшмаси таркибига кирувчи тайёрлов корхоналари билан шартномалар тузишингиз, автомобилларга (газ балонлиларига ҳам) сервис хизмати кўрсатиш учун ҳам буюртмалар беришингиз мумкин.

Тўловлар — сизга маъқул усулда. Имкон қадар айрибошлаш усули.

Манзилимиз:

Тошкент, Ойбек шоҳ кўчаси, 47.  
Телефонлар: 33-13-84, 54-76-58.  
Факс: (3712) 33-75-68.  
ҚИШКИ САВДО ЯРМАРКАСИ.

Ташкилот

МВБ маркали фўзвор  
машиналарини сотади.

Пул тўлаш исталган усулда бўлиши мумкин.  
Телефонлар: 90-94-35, 98-73-54.

ЎЗБЕК-АМЕРИКА БОЙЛЕР ИШЛАБ  
ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

қўшма корхонаси бугун сув билан иситиш қозонлари тайёрлайди.

У соатига 0,30 Гкал. дан 2,35 Гкал гача қувватга эга.

Қозонлар автоматлашган газ горелкаси билан етказиб берилди. Нархи МДХ да ишлаб чиқарилаётган шундай қозонлар баҳосига нисбатан анча арзон.

Бизнинг почта манзилимиз:

700100, Тошкент ш., Абдуллаев кўчаси, 4, тел: 54-17-38.

Табиат ва инсон

«ЗАМИННИНГ ПОКЛИГИ,  
ОСМОННИНГ БЕГУБОРЛИГИ  
ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ»

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг экологик экспертиза бўйича бош мутахассиси Раимжон БОТИРОВ билан суҳбат.

— Ўсимлик, ҳайвонот дунёси ва инсоният ҳаёти ўзаро ҳамбарчас боғлиқ бўлиб, улар бир-биридан айро яшashi мумкин эмас. Бироқ космик кемаларни ва бошқа қанчалардан-қанча ҳайратомуз кашфиётларни яратган одамзотнинг ноқислигини қарангки, бутун борулқ, жамики неъматлар инон-ихтиёрида бўлишига қаноатланмай, у табиатни ҳам ўзига бўйсундиришга интилиб келди, бамисоли «Олтин балиқ» эртагидегидек... Ана шундай номақбул хатти-харақатлар туфайли эса Орол фожiasi рўй берди, олтинга тенг сиримиз «банги» бўлиб қолди, тоғларимиздан файз кетди. Аслида буларнинг баҳисис собик Иттифоқдан қолган асоратлардир.

Шукрки, бугун биз мустақилмиз. Халқимиз келажаги буюк давлат қуриш йўлида далил қадимлар ташламоқда. Энди ҳаммамиз Ватанимиз осмони бегубор, сувимиз пок бўлиши учун бир тану бир жон бўлиб ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз керак. Утмишда ота-боболаримиз сувнинг ҳар бир томчисини қадрлаганлар. Ундан қандай қилиб фойдаланиш йўл-йўриқлари ҳусусида ўзларидан кейинги авлодларга ҳам уқтириб келганлар. Лекин сўнгги пайтларда ана шу мўътабар қоидалар бутунлай унутилди. Ишлаб чиқариш корхоналаридан чиқадиган чиқиндиларнинг оқар сувларга ва ер ости сувларига йўналтирилиши, тозалаш иншоотларининг мавжуд эмаслиги экологик мувоzanатнинг бузилишига сабаб бўлмоқда. Айниқса, бугунги кунда Тошкент шаҳри ҳудудидан ўтадиган Кайковуз, Анҳор, Бўржар, Бўзсув каби сув йўлларининг ахроли гоёт ачирнарли. Бунда, албатта, маҳалла қўмиталари ва ижара корхоналари (собик ЖЭКлар)нинг айби бор. Агар улар ҳар бир хонадондаги чиқиндининг қаргага ташлашини ва бунинг учун махсус жой ажратилишини таъминласалар, айрим жойларга оилаб келмайдиган махсус машиналарни назоратта олсалар, барча кўнглисизликларнинг олди олинган бўларди.

Бир пайтлар ота-боболаримиз сувга ахлат ташлаш у ёқда турсин, хаттоки ариқ сувиди ювинишмас эди. Рўзгордаги ифлос сувлар учун алоҳида тайёрланган Уралар бўларди. Ҳеч бўлмаганда ота-боболаримиздан қолган ана шундай олдий амалларга риоя қилганимизда эди, атроф-муҳитнинг бутунгидек ифлосланишига йўл қўйилмасди. Ҳозир ҳам ҳеч кеч эмас. Бунинг учун аҳоли турар жойларининг тозаланиши таъминлаш ва уни назорат қилиш бевосита маҳал-

ла қўмиталари раислари ва оқсоқоллари зиммасига юклатилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Атмосфера бузилишининг сабабларидан яна бири шаҳримиз кўчаларида ва Тошкентдан тахминан 35 километр нарида тоғ-тоғ бўлиб уюлиб ётган чиқиндиларнинг доимо бурқсиб, атрофни ифлослантираётганлигидир. Бу эса ўз навбатида Красногорск аҳолисини жилдий ташвишлантирмоқда. Шунинг учун Тошкент шаҳрида чиқиндиларни қайта ишлаш комбинатини ишга қўшимиз. Шундай қилишда томондан кўп қўшимча ишга ёнишли тежаланишига эътибор қилиш зарур. Яна бир муаммо шуки, атроф-муҳитни бўлбагитан автотомобилларнинг қаттиқ назорат этиш лозим. Мамлакатимиз ҳудудидаги ер ости қазилмалари чиқиндиларининг қаровисиз қолдирилиши, собик Иттифоқ даврида айрим маъданларни қайта ишлашда йўл қўйилган католардан оқибатда айрим гулшаларда радиоактив нурларнинг белгиланган миқдордан ошишини баргараф этиш лозим.

Кейинги пайтда космик кемаларнинг учурилиши, атом қуролларининг очик фазода синалиши натижасида озон қатламининг сийракланиши рўй бермоқда. Натижада турли хил касалликлар юзага келмоқда.

Озон қатлами емирилишининг асосий сабабларидан яна бири совуттич асбобларда кенг қўлланиладиган ХА-12 сувоқитидир. Эндиликда ушбу модала таққиланганга қарамасдан, кўпгина жойларда ҳамон ишлатилмоқда. Бу борада ҳам мутасадди ходимлар масъулиятни оширилади, деган умидламан. Шунингдек, озон қатламининг мустақамлаш учун қўшимча озонаторлар ташкил қилиш зарур.

Бундай қурилмалар биз яшаб турган заминдаги озон қатламининг мустақамлаши ва ундан сувни тозалашда қўлланши мумкин бўлади. Маълумки, ривожланган давлатларда ичимлик суви асосан озон гази ёрдамиди тозаланди. Бизда эса, мажкур жараёнда ҳамон хлор ишлатилади. Бу эса инсон ҳаёти, ўсимликлар оламига зарар етказаетир.

Суҳбатни «Халқ сўзи» мухбири Баҳодир ОСТОАНҚУЛОВ ёзиб олди.

«Дубай-бизнес-центр» МАГАЗИНИ



фирмасининг  
маиший хизмат электроника ва электротехникаларини тақлиф қилади  
Манзилимиз:  
Тошкент ш., Содиқ Азимов кўчаси, 81  
Телефонларимиз:  
(3712) 33-69-93, 32-09-57

ХАЛҚ СЎЗИ  
НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Кенгаши Раёсати ва  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Анвар ЖўРАБОВЕВ.

• БЎЛИМЛАР:  
Парламент 33-57-34;  
Хатлар 33-07-48;  
Қишлоқ хўжалиги 32-07-94;  
Иқтисодийёт 32-36-65;  
Маънавият 32-35-60;  
Ахборот 32-29-89;  
Туғи муҳарририят 33-10-28.

• МАНЗИЛИМИЗ:  
700000, ГСП  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.  
Навбатчи муҳаррир — А. Йўлдошев.  
Навбатчи — Ш. Мутаҳарров ўғли.